



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 23 (13.620)

Баҳоси эркин нарҳда

АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ – АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ САҚЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2 февраль куни экологик ҳолатни яхшилаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги ишларни таҳлил этиш, энг долзарб вазифаларни белгилаб олишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 21 апрелдаги Фармонида муҳофизат, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизими такомиллаштирилди. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси қайта ташкил этилиб, унинг зиммасига экологик ҳолатни яхшилаш, маиший чиқиндиларни йиғиш, сақлаш, ташиш, утилизация қилиш ва қайта ишлаш борасида кўплаб вазифалар кўйилди.

Шунингдек, 2017-2021 йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни тубдан яхшилаш юзасидан комплекс дастур қабул қилиниб, молиялаштириш манбалари аниқ белгилаб берилди.

Тизимда 13 та "Тоза ҳудуд" давлат унитар корхонаси ва уларнинг 174 та туман (шаҳар) филиали ташкил этилди. Ушбу унитар корхоналар балансига 1 минг 300 та махсус техника, 1 мингта чиқинди тўплаш майдончаси, 5 минг 800 та контейнер ва 172 та полигон ўтказилди.

Ўтган йили қўшимча 305 та чиқинди тўплаш майдончаси қурилиб, 2 мингдан зиёд контейнерлар билан жиҳозланди. Республика бўйича жами 295 та полигон тўлиқ хатловдан ўтказилиб, уларнинг кадастри тузилди, 97 та чиқинди полигони тартибга келтирилди. Қўмита қошида маиший чиқиндилар билан боғлиқ масалаларни назорат қилиш инспекцияси ташкил этилди.

Бироқ, бу соҳада ҳали ўз ечимини кутаётган масалалар ва қилинадиган ишлар жуда кўп. Масалан, юртимизда 53 фоиз аҳолига санитар-тозалаш хизмати кўрсатилмади, холос. Шундан аниқ 15 фоиз хусусий сектор ҳиссасига тўғри келади. Деярли барча қишлоқларда маиший чиқиндиларни йиғиш, сақлаш ва ташиш умуман йўлга қўйилмаган.

Йиғилишда шу каби камчилик ва муаммолар танқидий таҳлил қилиниб, тизим олдидидаги долзарб вазифалар белгилаб берилди.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига тегишли вазирликлар билан биргалликда шаҳарларда чиқинди йиғиш шохбчаларини

тартибга солиш, қишлоқ аҳоли пунктларида санитар-тозалаш хизматларини ривожлантириш бўйича 5 йиллик дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Ушбу дастурда кўп қаватли уйларда яшовчи аҳоли сонидан келиб чиқиб, чиқинди йиғиш майдончаларини намунавий лойиҳалар асосида оптимал ташкил этиш, чиқинди ташиш махсус техникалари харидини кўпайтириб, қишлоқ аҳолисини санитар-тозалаш хизматлари билан бошқичма-бошқич қамраб олиш, давлат-хусусий шериклик принципи асосида "Тоза ҳудуд" унитар корхоналари бюрортомасига кўра соҳада тадбиркорлар иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари назарда тутилди.

Маиший чиқиндиларни қайта ишлаш ҳақида сўз борар экан, Президентимиз хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва кенг жорий этиш зарурлигини таъкидлади.

Германия, Бельгия, Япония, Голландия, Швеция каби мамлакатларда 60-65 фоиз маиший чиқинди қайта ишланади, 20-25 фоиздан энергия олинади, қолган қисми ёқилади. Яъни чиқиндини полигонларда қўйишга ҳам эҳтиёж йўқ, деди Шавкат Мирзиёев. Бунинг натижасида ер ресурслари тежалди, иқтисодий самарага эришилди ва атроф-муҳитга салбий таъсир камаюди.

Шундан келиб чиқиб, жорий йилда мамлакатимизнинг 9 та шаҳрида чиқиндини йиғиш ва қайта ишлаш кластерларини ишга тушириш бўйича топшириқ берилди. Бу борада Сурхондарёда ташкил этилган кластер фаолияти намуна қилиб кўрсатилди.

Шунингдек, Фарғона водийси, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятларида амалга ошириладиган чиқиндини қайта ишлаш лойиҳалари бўйича инвесторлар билан битимлар имзоланса, лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш юзасида "йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Маиший чиқиндиларни утилизация қилиш ишларини тизимли ташкил этиш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Пластик, полиэтилен ва бошқа қадоклаш материалларини тўплаш, утилизация қилиш

ёки қайта ишлашга топширишда иштирок этаётган юридик ва жисмоний шахсларни рағбатлантириш механизмини жорий қилиш зарурлиги қайд этилди.

Атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш соҳасида давлат назоратини кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Масалан, Андижон, Ангрэн, Бухоро, Навоий, Фарғона, Олмалик, Бекобод, Чирчиқ, Тошкент ва Нукус каби sanoatlashgan шаҳарларда ҳавонинг чанг билан ифлосланиш даражаси санитар меъёрдан ўрта ҳисобда 2,7 баробар ортгани кузатилган.

Шу боис, Экология давлат қўмитаси мутасаддиларига ҳалқаро тажриба асосида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Миллий концепциясини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

Йиғилишда ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектиларини муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш, муҳофаза этиладиган ҳудудларни кенгайтириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Масалан, ўтган йили ҳайвонот ва ўсимлик дунёси бўйича 3 минг 782 та ҳуқуқбузарлик ва браконьерлик ҳолатлари аниқланган. 8 та давлат кўриқхонасидан 6 таси ўрмон ҳўжалиги давлат қўмитасида, 2 таси Геология ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмиталари тасарруфида бўлиб, уларни бошқаришда ягона тизим мавжуд эмас. Шу боис, кўриқхоналарни ягона давлат органига бириктириш масаласини ўрганиб, асосли тақлифлар ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Чиқиндиларни тўплаш ва ташиш ишларини доимий назорат қилиш, аҳолининг бу борадаги маданияти ва масъулиятини ошириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Бу борадаги ишлар замирида одамларнинг соғлиғи, турмуш фаровонлиги ётибди. Шу боис, бу масала билан ҳар бир туманда ва доимий шўғулланган керак, деди давлатимиз раҳбари.

Муҳокама қилинган масалалар бўйича мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берилди.

Ў.А

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА ОИЛА ИНСТИТУТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўйбўя чиқариши учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ушбу соҳадаги ишларнинг ҳолати хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар билан мақсадли ишларни ташкил этиш, оила-ларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш ва соғломлаштиришнинг самарали механизмларини яратилишига тўққунлик қилаётган бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлигидан далолат беради. Жумладан:

Биринчидан, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни манзилли қўллаб-қувватлаш тизими мавжуд эмас, ишсиз ва ижтимоий фаол бўлмаган хотин-қизлар билан яққа тартибда иш олиб бориш амалиёти йўлга қўйилмаган, хотин-қизлар ўртасида бандликка қўмақлашиш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича фаолият самарасиз ташкил этилган;

Иккинчидан, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, замонавий намунали оилани шакллантириш, унинг маънавий-ахлоқий негизлари ва аънавий оилавий қадриятларини мустаҳкамлаш бўйича мақсадли ишлар олиб борилмапти, эрта никоҳларнинг, оилалардаги низоли ҳолатлар ва ажрашилларнинг олдини олиш бўйича чораларнинг самардорлиги паст даражада қолмоқда.

Учинчидан, хотин-қизларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги фаолият етарли даражада ташкил этилмаган, оналар касаллиги ва перинал тақдирларнинг профилактикаси ва уларнинг олдини олиш бўйича самарали тизим, айнакча, чекка қишлоқ ҳудудларида мавжуд эмас;

Тўртинчидан, хотин-қизлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича самарали чоралар кўрилмапти, хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларга юридик маслаҳатлар бериш механизми замон талабларига жавоб бермапти;

Бешинчидан, хотин-қизлар қўмиталарининг кенг қўламли вазифалари зарур ваколатларнинг йўқлиги ва ташкилий-шғат бирликларининг етишмаслиги шароитида хотин-қизларнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш борасида уларнинг қуч ва имкониятларини тўлиқ

ҳаётга тайёрлаш, замонавий намунали оилани шакллантириш, унинг маънавий-ахлоқий негизлари ва аънавий оилавий қадриятларини мустаҳкамлаш бўйича мақсадли ишлар олиб борилмапти, эрта никоҳларнинг, оилалардаги низоли ҳолатлар ва ажрашилларнинг олдини олиш бўйича чораларнинг самардорлиги паст даражада қолмоқда.

Учинчидан, хотин-қизларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги фаолият етарли даражада ташкил этилмаган, оналар касаллиги ва перинал тақдирларнинг профилактикаси ва уларнинг олдини олиш бўйича самарали тизим, айнакча, чекка қишлоқ ҳудудларида мавжуд эмас;

Тўртинчидан, хотин-қизлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича самарали чоралар кўрилмапти, хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларга юридик маслаҳатлар бериш механизми замон талабларига жавоб бермапти;

Бешинчидан, хотин-қизлар қўмиталарининг кенг қўламли вазифалари зарур ваколатларнинг йўқлиги ва ташкилий-шғат бирликларининг етишмаслиги шароитида хотин-қизларнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш борасида уларнинг қуч ва имкониятларини тўлиқ

ҳаётга тайёрлаш, замонавий намунали оилани шакллантириш, унинг маънавий-ахлоқий негизлари ва аънавий оилавий қадриятларини мустаҳкамлаш бўйича мақсадли ишлар олиб борилмапти, эрта никоҳларнинг, оилалардаги низоли ҳолатлар ва ажрашилларнинг олдини олиш бўйича чораларнинг самардорлиги паст даражада қолмоқда.

Учинчидан, хотин-қизларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги фаолият етарли даражада ташкил этилмаган, оналар касаллиги ва перинал тақдирларнинг профилактикаси ва уларнинг олдини олиш бўйича самарали тизим, айнакча, чекка қишлоқ ҳудудларида мавжуд эмас;

Тўртинчидан, хотин-қизлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича самарали чоралар кўрилмапти, хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларга юридик маслаҳатлар бериш механизми замон талабларига жавоб бермапти;

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг 2017 йилдаги фаолияти ва истиқболдаги режаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Ўтган йили қўмитада "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги, "Истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунларнинг ижроси таҳлил қилинди. Ўрганиш натижаларига кўра, тегишли вазирлик ва идораларга қўмита қарорлари юборилди, соҳани янада ривожлантириш бўйича тавсиялар берилди.

Қўмитада Иқтисодиёт вазирлигининг маҳаллийлаштиришнинг истиқболли лойиҳаларини амалга ошириш масалалари бўйича ҳамда "Ўзқурилишматериаллари" АЖ раисининг "Қурилиш материаллари, маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ҳолати ва истиқболлари тўғрисида"ги ахборотлари эшитилди. Қўмита аъзолари томонидан давлат бошқаруви ва ҳўжалик органлари мансабдор шахсларига 59 та депутатлик сўрови юборилди.

Қўмита аъзоларининг ҳудудларга чиқиб ўрганишлари натижасида Хоразм вилояти Хива туманида кўп хонадонли уй-жойлар учун 5 та ширкат ташкил этилди. Улар банкдан кредит олиб, кўп хонадонли уй-жойларни таъмирлаш ишларини амалга оширди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг Кўнғирот туманида канализация тизимини ишга туширишга амалий кўмак берилди.

Саноат ва ишлаб чиқариш корхоналарига бориб, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларнинг ечими юзасидан қўмитага тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш амалиёти йўлга қўйилди. Ҳисобот даврида 38 та саноат ва ишлаб чиқариш корхонасига таширф уюштирилди.

2018 йилга мўлжалланган асосий вазифалар ҳамда режадаги ишлар кўриб чиқилди. Жумладан, 2018 йилда 11 қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Қўмита аъзолари 2018 йилда ва ишлаб чиқариш корхонасидан бўлиб, мавжуд муаммоларни ўрганиши белгиланган.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Н.НАСРИЕВ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЁШЛАР СИЁСАТИ БМТДА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳида БМТ Ёшлар форуми бўлиб ўтди. Унинг доирасида Ўзбекистоннинг ушбу глобал тизимдаги доимий ваколатхонаси томонидан республикамизда олиб борилаётган ёшлар сиёсати тақдим этилди.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистондаги ёшлар сиёсатининг мазмун-моҳияти, Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан тузилган Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолияти, унинг ўсиб келаётган авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш билан шўғулланишга даъват этилган, аҳолининг ушбу қатлами ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимининг тубдан ислоҳ этилишига доир маълумотлар билан яқиндан танишдилар. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонунининг асосий жиҳатлари, уни ҳаётга тадбиқ этиш борасида эришилган натижалар ҳақида

ҳам атрофлича фикр юритилди. БМТ форуми иштирокчиларининг асосий эътибори 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишнинг бошлари тўғрисидаги маълумотларга қаратилди.

Тадбир чоғида мамлакатимизда Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил сентябрида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессияси чоғида илгари сурган ташаббуслари, жумладан, ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинлик ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бораси-

да кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш бўйича ташаббусининг муҳокамаси анжуман катнашчилари ўртасида алоҳида қизиқиш уйғотди. Шу муносабат билан Ўзбекистон етакчисининг глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган ҳалқаро ҳуқуқий ҳужжат – БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги ҳалқаро конвенциясини ишлаб чиқиш тақлифи тилга олинди. Ана шундай муҳим ҳалқаро ҳужжат БМТ аъзо давлатлари томонидан қўллаб-қувватланишига умид билдирилди.

(Давоми 3-бетда)




МАМЛАКАТИМИЗДА

• Наманган вилоятининг Косонсой туманида Бандликка қўмақлашиш маркази томонидан ҳокимлик, прокуратура, ички ишлар бўлими ҳамкорлигида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Ярмаркада 90 корхона ва ташкилот 800 га яқин бўш иш ўрни билан қатнашди. Тадбирга иш билан таъминлаш юзасидан рўйхатга олинган 200 фуқаро таклиф этилди. Улардан 120 нафари доимий ишга жойлашиш учун йўланма олди. Йўланма олганларнинг аксарияти касб-хунар коллежини битирган ёшлар, шунингдек, аёллардир.

• Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги Саховат уйда ўтказилган хайрия тадбири "Саховат – беназир кадрият" деб номланди. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда ҳомийлар томонидан кексалар учун дастурхон ёзилиб, ош тортилди. Муассаса фонди учун турли тиббий воситалар, дори-дармон ва кийим-кечакалар тарқатилди. Санъаткорлар ижросидаги куй-кўшиқлар барчага манзур бўлди.

• Мамлакатимизда жорий йил 1 февралдан 1 мартгача "Ёшлар орасида гиёҳванд воситалар тарқалишига қарши курашиш ойлиги", деб эълон қилинди. Термиз давлат университетида ойлик доирасида бўлиб ўтган тадбир "Биз гиёҳвандликка қаршимиз!" деб номланди. Унда гиёҳванд моддаларнинг зарарли оқибати, ёшларнинг таълим-тарбияси ва уларнинг интеллектуал ривожланишига салбий таъсир хусусида батафсил маълумот берилди.



• Ҳиндистоннинг шимолида тоғли жойда ҳаракатланаётган йўловчи автобусининг ҳайдовчиси юк машинаси билан тўқнашиб кетишдан қўчиб, рулни буриб юбориши туфайли автобус дарёга қулаб тушди. Натижада автобусдаги жами 56 нафар йўловчининг 16 нафари ҳалок бўлди, кўпчилик жароҳатланди. Мамлакат ҳукумати ҳодисадан жабр кўрганлар оилаларига 500 минг рупийдан ёрдам пули ажратди.

• Германияда "AIRBUS" авиакомпаниясининг янги маҳсулоти бўлмиш "A321 LR" самолётининг 2,5 соатлик илк парвози амалга оширилди. 240 нафар йўловчини манзилга элтиш имкониятига эга ушбу самолётнинг парвоз масофаси 550 километрга узайиб, жами 7450 километрга етди. Янги модель узок масофаларга кенг фюзеляжи самолётлардан фойдаланмаган ҳолда парвоз қилиш имкониятини беради ва бу парвоз ҳаракатларини сезиларли даражада қисқартиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА ОИЛА ИНСТИТУТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бош 1-бетда)

2. Белгилансинки, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси ва унинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари энг аввало:

жойларда оғир ҳаётини вазиётга тушиб қолган хотин-қизларни, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларни ўз вақтида аниқлаш, улар билан яққа тартибда ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни олиб бориш, уларни манзилли қўллаб-қувватлаш;

хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, улар ўртасида оилавий ва хусусий тадбиркорликни, ҳунармандчиликни ривожлантириш бўйича амалий чораларни амалга ошириш;

хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчилик профилактикасини самарали ташкил этиш, шу жумладан, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлашга шахсан жавобгардир.

3. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 1 апрелдан фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими ўрнига тегишли штат бирликларини туман (шаҳар) хотин-қизлар кўмиталари тизимига ўтказган ҳамда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тартибини сақлаган ҳолда хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис (кейинги ўринларда – мутахассис деб юритилди) лавозимини жорий этиш бўйича тақлифга розилик берилсин.

Белгилансинки: мутахассис лавозими ҳар бир фуқаролар йиғинида 1 тадан, оилалар сони 2000 ва ундан ортиқ бўлган фуқаролар йиғинларида эса 2 тадан жорий этилади;

мутахассис фуқаролар йиғини биносида жойлашди, лавозими бўйича фуқаролар йиғини кенгашининг тарихига қаради ва фуқаролар йиғини билан яқин ҳамкорликда ўз фаолиятини амалга оширади.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши билан биргаликда 2018 йилнинг 1 апрелига қадар фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича ҳар бир маслаҳатчиси фаолиятини танқидий ўрганиб чиқсин ва натижаларни бўйича аниқдан киритилган мутахассис лавозимларига етарли билим даражасига, юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларга эга бўлган, ўзига юқатилган вазифаларни лозим даражада бажара оладиган шахсларни тайинлаш чораларини кўрсин.

4. Қуйидагилар: Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг ташкилий тизимаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси марказий аппаратининг тизимаси 2-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, вилоят марказлари бўлган шаҳарлар, туманлар (шаҳарлар) хотин-қизлар кўмиталари ижро этувчи аппаратларининг намунавий тизимлари 3, 4 ва 5-иловаларга мувофиқ;

Хотин-қизлар кўмиталари ижро этувчи аппаратлари ходимларининг чекланган сонига нисбатан тоғналган вилоят марказлари бўлган шаҳарлар, туманлар (шаҳарлар) рўйхати 6-иловага мувофиқ маъқуллансин.

5. Белгилансинки: Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари, моддий таъминоти, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш бўйича тегишлича вазирининг биринчи ўринбосари ва вазири ўринбосарларига тенглаштирилди;

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси марказий аппарати ходимларига нисбатан, истисно тарихида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Худудий давлат бошқаруви органлари ходимлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва моддий рағбатлантиришни қўлайлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 9 январдаги ПҚ-2722-сон қарорининг 1-бандида белгиланган ҳар ойлик устамалар қўлланилди.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурда "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази (кейинги ўринларда "Оила" маркази деб юритилди) ва унинг ҳудудий бўлинмалари Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси қосидаги Республика "Оила" илмий-амалий маркази негизда ташкил этилсин ҳамда қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

оила институтини мустаҳкамлаш бўйича, энг аввало, "Соғлом оила – соғлом жамият" концептуал ғоясини ҳаётга таъбиқ этишга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини олиб бориш, бу соҳада норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш;

оиланинг репродуктив саломатлиги ва демографик ривожланишини, унинг фаровонлиги ва хотиржамлигини ошириш масалаларини комплекс ўрганишни ташкил этиш, мазкур йўналишлар бўйича услубий тавсияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

замонавий оилани ривожлантириш, оиланинг ички муносабатлари, шахсларо муносабатлари, бой маданий тарихий мерос ва анъанавий оилавий кадриятлар муаммолари бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни ўтказиш, улар асосида оила институтини мустаҳкамлаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва оилавий ажрашишларнинг олдини олиш бўйича тақлифларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

умуминсоний ва миллий оилавий кадриятларини, эр-хотин, ота-она ва фарзандлар, эр-хотин ва уларнинг ота-оналари ўртасидаги муносабатларни таҳлил қилиш асосида замонавий намунали оиланинг мезонларини белгилаш, шунингдек, замонавий оиланинг намунали шаклини ҳамда "Оила жамият ва давлат ҳимоясида" конституциявий принциплари кенг тарғиб этиш ва жамиятга сингдириш ишларини олиб бориш;

давлат органлари, хотин-қизлар кўмиталари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда нотинч ва муаммолли оилаларни аниқлаш ва уларнинг манзилли рўйхатларини тузиш, маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш, низоли ҳолатларнинг олдини олиш, оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш ва миллий менталитетга зид бўлган турли ёт ҳавф-хатарларга қарши туриш мақсадида улар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш;

оила-никоҳ муносабатлари соҳасида амалиётни ўрганиш ва тажриба алмашиш борасида халқаро ва хорижий ташкилотлар, илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликни амалга ошириш.

7. Белгилансинки: "Оила" маркази директори ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади; "Оила" маркази директори мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари, моддий таъминоти, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш бўйича вазирига, директорнинг ўринбосарлари эса вазири ўринбосарларига тенглаштирилди;

"Оила" марказининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари, туман (шаҳар) бўлимлари "Оила" марказига ва тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) ҳокимликларига ҳисобот беради;

"Оила" марказининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари, туман (шаҳар) бўлимлари раҳбарлари тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан "Оила" маркази директори билан келишадиган ҳолда лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

8. Белгилансинки, "Оила" маркази директори ва унинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари энг аввало: оила институтини мустаҳкамлаш, жамиятга унинг замонавий намунали шаклини сингдириш бўйича сифатли тадқиқот ишларини амалга ошириш ҳамда таъсирчан, илмий асосланган ва амалий тақлиф ва тавсияларни ишлаб чиқишга; оилада, айниқса, никоҳнинг илк даврларида эр-хотин ва уларнинг ота-оналари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, эрта никоҳ ва ажрашишларнинг олдини олиш бўйича қўрилаган чораларнинг натижаларини таъминлаш;

нотинч ва муаммолли оилаларни ўз вақтида аниқлаш, улардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, низоли ҳолатларнинг олдини олиш ва оилавий муносабатларни яқшилатиш бўйича чоралар қўришга шахсан жавобгардир.

9. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва "Оила" маркази вакиллари уларнинг вазифалари ва фаолият йўналишлари билан боғлиқ бўлмаган йиғилишларга ва бошқа тадбирларга жалб этиш таққилансин.

Давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари мазкур талабни бузганлиги учун эғаллаб турган лавозимидан озод этишга ҳақ бўлган шахсий жавобгарлиги тўғрисида қатъий огоҳлантирилсин.

10. Давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судлар "Оила" марказига унинг сўровига қўра марказга юқатилган вазифалар билан боғлиқ бўлган зарур ҳужжатлар, статистик ва бошқа маълумотлар, таҳлилий материаллар, хулосалар ва бошқа ахборотнинг тақдим этилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлик-

ларининг 2018 йил 1 апрелдан ФХДЭ органларини уларнинг никоҳ муносабатларига оид ақтларни расмийлаштириш, оила институтини мустаҳкамлаш, оилавий ажрашишларнинг олдини олиш билан боғлиқ бўлган асосий фаолият йўналиши бўйича туман (шаҳар) ҳокимликларига бўйсундириш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин.

ФХДЭ органи фаолияти, "Оила" марказининг туман (шаҳар) бўлими ҳамда хотин-қизлар ва оила масалалари бўйича бошқа тузилмалар фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш туман (шаҳар) ҳокими ўринбосари – хотин-қизлар кўмитаси раиси зиммасига юқатилсин.

12. "Оила" марказининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳузурда тиббиёт касб-ҳунар коллежлари негизда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оиладаги низоли ҳолатларни ҳал қилишни ҳуқуқий ва психологик асосларни ўргатиш, ажрашишларнинг олдини олиш, шунингдек, оиладаги маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлашга оид бошқа масалалар бўйича кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича махсус ўқув курслари ташкил этилсин.

Белгилансинки, махсус ўқув курсларида қайта тайёрлаш ва малакани ошириш "Оила" маркази томонидан Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган ўқув дастурлари асосида амалга оширилади.

13. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, "Тадбиркор аёл" уюшмасининг Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фондиди ташкил этиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин ва қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

хотин-қизларни ва оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар ва оилаларга, ногиронлиги бўлган аёлларга моддий ёрдам кўрсатиш;

хотин-қизларга оилавий ва хусусий тадбиркорлик, ҳунармандчиликни ташкил этишда, меҳнат бозорига талаб қўриши бўлган касблар бўйича билим ва қўникмаларни эғаллашда кўмаклашиш.

14. Белгилансинки, 2018 йил 1 мартдан бошлаб Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Республика "Оила" маркази ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари бошқаруви аппарати ходимлари тарихига кирувчи пенсионерларга, уларнинг бу ташкилотлардаги фаолияти ягона бўлган тақдирда, пенсиялари тўлиқ тўланади.

15. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва "Оила" марказининг оилавий поликлиникалар ва кишлоқ врачлик пунктлари тузилмаларида ўсимир қизлар ва фертил ёшдаги аёллар учун "аёллар маслаҳатхоналари"ни ташкил этиш тўғрисидаги тақлиф маъқуллансин ва қуйидагилар уларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

оилани режалаштириш, контрацепция усуллари, ҳомиладани сунъий равишда тушириш ва жинсий йўллар орқали юқадиган касалликларнинг олдини олиш бўйича, шу жумладан, аноним тарзда, маслаҳатлар бериш;

оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ акушер-гинекологик ва ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш; репродуктив саломатлиги муҳофаза қилиш, оналик ва перинатал касалликларининг ва ўлим ҳолатларининг олдини олиш соҳасида аҳолининг билими ва санитария маданиятини оширишга қаратилган тадбирларни ўтказиш.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой мuddатда "аёллар маслаҳатхоналари", шунингдек, уларнинг асосий вазифалари юзасидан "тезкор алоқа тармоғи" фаолиятини ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини киритсин.

16. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга қўра: Зуфия номидаги Давлат муқофоти таълим, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт ва жамоатчилик фаолиятида алоҳида ютуқларга эришган ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган иқтидорли қизларга ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан икки нафар талаборларга берилади;

умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг Зуфия номидаги Давлат муқофоти лауреатлари бўлган ўқувчилари бакалавриятга, бакалаврият талабалари эса олий таълим муассасалари магистратурасига тегишли йўналиш ва ихтисослик бўйича кириш синовларисиз давлат грантлари асосида қабул қилинади.

17. Жамият ва давлат ҳаётида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатган, ўзининг самарали меҳнати билан оиланинг шаклланиши ва фаровонлиги мустаҳкамлашига, оналик ва болалик муҳофазасига муносиб ҳисса қўшган хотин-қизларга бериладиган "Мўътабар аёл" кўкрак нишони таъсис этилсин.

18. Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлигига Комплекс чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шахсий жавобгарлик юқатилсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: а) бир ой мuddатда: "Оила" маркази ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини, уларнинг тузилмаларини тасдиқлаш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги тартибини, ҳар бир ходимнинг ваколатлари ва жавобгарлиги аниқ белгиланишини назарда тутган ҳолда, ташкил этиш;

махсус ўқув курслари, Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди фаолиятини ташкил этиш; туман (шаҳар) хотин-қизлар кўмитасининг хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассиси фаолияти, унинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари, шунингдек, "Мўътабар аёл" кўкрак нишони тўғрисидаги низоомларни тасдиқлаш;

оғир ижтимоий вазиётга тушиб қолган хотин-қизларни, шу жумладан, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзанд(лар)ни тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яқшилашга муҳтож оналар учун қўлай шароитларга эга арзон уйлари қуриш юзасидан ҳудудий манзилли дастурларни, шунингдек, уйлари бериш тартиби тўғрисидаги низоомни тасдиқлаш ҳақида қарорлар қабул қилинсин;

б) уч ой мuddатда Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш Концепцияси лойиҳасини киритсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги "Оила" маркази билан биргаликда бир ой мuddатда: нотинч ва ахтиёжманд оилалардаги касаллиги, шу жумладан, репродуктив саломатлиги билан боғлиқ касаллиги бор бўлган шахсларни аниқлаш ва уларга манзилли тиббий ёрдам кўрсатиш;

Республика "Она ва бола скрининги" маркази ва Республика аҳоли репродуктив маркази ҳамда уларнинг бўлинмалари фаолиятини биргаликда ўрганиш, шунингдек, уларнинг аҳолига қўрсатётган хизматларини ривожлантиришга оид тақлифлар ишлаб чиқиш бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш тартибини тасдиқласин.

21. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси билан биргаликда бир ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, "Оила" маркази, "Saodat" журнали ва "Оила ва жамият" газетаси тахририятларини жойлаштириш учун бинолар ажратиш тўғрисида тақлиф киритсин.

22. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари "Оила" маркази билан биргаликда икки ой мuddатда маҳаллий бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан "Оила" маркази ҳудудий бўлинмаларини барча шароитларга эга бўлган хизмат хоналари, зарур меъбел ва жиҳозлар, компьютер техникаси, алоқа воситалари ва Интернет тармоғи билан таъминласин.

23. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу Фармонни амалга ошириш учун 2018 йилга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджет параметрлари доирасида зарур бўлган бюджет маблағларини ажратсин, 2019 йилдан бошлаб эса ҳар йили ушбу маблағларни назарда тутсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2004 йил 25 майдаги ПФ-3434-сон Фармони 2018 йил 1 апрелдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

25. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, "Оила" маркази ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу Фармондан келиб чиқиб, шу жумладан, ФХДЭ органларининг туман (шаҳар) ҳокимликларига бўйсундирилиши муносабати билан адлия ва маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг ваколат ва функцияларини чегаралашни назарда тутган ҳолда қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида тақлифларни икки ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

26. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.Т.Камиллов зиммаларига юқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 2 февраль

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING "ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА ОИЛА ИНСТИТУТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Ватанимиз тарихида, оила ва жамият ҳаётида хотин-қизлар муҳим ўрин ва мавқега эга. Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 50 фоизини ташкил этадиган аёллар ижтимоий-маънавий, сиёсий-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларида хусусан, давлат бошқаруви ва вакиллик органларида, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик, фермерлик, соғлиқни сақлаш, таълим, маърифат, маданият ва бошқа ижтимоий соҳаларда самарали меҳнат қилмоқда.

Хозирги вақтда мамлакатимиз хотин-қизлари орасида 514 нафар фан доктори, 6 нафар академик, 15 нафар Ўзбекистон Қаҳрамони, 17 нафар сенатор, 15 нафар Қонунчилик палатаси депутати борлиги, шунингдек, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг 23 фоизидан зиёдини ҳамда илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат соҳаларида меҳнат қилаётганларнинг 72 фоизини айнан аёллар ташкил этишини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болалиқни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўйбег қилариши учун шарт-шароит яратиш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бирок ушбу соҳадаги ишларнинг ҳолати хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар билан мақсадли ишларни ташкил этиш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш ва соғломлаштиришни самарали механизминини яратишга таъкидлик қўлаётган бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонда мавжуд камчилик ва муаммолар атрофида таҳлил қилинган.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг жамият ҳаётидаги фаолиятини ошириш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш мақсадида кўмита фаолиятининг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг янгиланган тузилмалари тасдиқланди.

Фармон билан 2018 йил 1 апрелдан фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими ўрнига ҳар бир фуқаролар йиғинида 1 тадан, оилалар сони 2000 ва ундан ортиқ бўлган фуқаролар йиғинларида эса 2 тадан хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис лавозими жорий этилди.

Оилавий кадриятлар ва анъаналар йўналишида фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни олиб бориш мақсадида Республика "Оила" илмий-амалий маркази негизда Вазирлар Маҳкамаси ҳузурда алоҳида "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилди. Оиланинг репродуктив саломатлиги ва демографик ривожланиши, замонавий намунали оиланинг мезонларини белгилаш, оила-никоҳ муносабатлари соҳасида амалиётни ўрганиш ва тажриба алмашиш борасида халқаро ва хорижий ташкилотлар, илмий-

тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликни амалга ошириш билан бир қаторда "Соғлом оила – соғлом жамият" концептуал ғояси ҳамда "Оила жамият ва давлат ҳимоясида" конституциявий принциплари кенг тарғиб этиш ва жамиятга сингдириш "Оила" марказининг асосий вазифалари қаторидан жой олди.

Шу билан бирга, Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда "Оила" марказининг масъулиятини янада ошириш, ваколатлари доирасини аниқ белгилаб олиш мақсадида кўмита ҳамда марказ, уларнинг ҳудудий бўлинмалари раҳбариятининг хотин-қизлар ва оила масалаларини ҳал этишдаги шахсий жавобгарлик чегаралари белгилаб қўйилди.

Фармонга бинсон 2018 йил 1 апрелдан бошлаб ФХДЭ органлари уларнинг никоҳ муносабатларига оид ақтларни расмийлаштириш, оила институтини мустаҳкамлаш, оилавий ажрашишларнинг олдини олиш билан боғлиқ бўлган асосий фаолият йўналиши бўйича туман (шаҳар) ҳокимликларига бўйсундирилди. Оила ва хотин-қизлар масалаларида тизимли ҳамкорликни таъминлаш мақсадида ФХДЭ органи "Оила" марказининг туман (шаҳар) бўлими ҳамда хотин-қизлар ва оила масалалари бўйича бошқа тузилмалар фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш туман (шаҳар) ҳокими ўринбосари – хотин-қизлар кўмитаси раиси зиммасига юқатилди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, "Тадбиркор аёл" у

Бу Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексиди ўз ифодасини топди.

ЎЗА муҳбири янги кодекснинг мазмун-моҳияти ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий суди иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъати раисининг ўринбосари Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ билан суҳбатлашди.

Иқтисодиёт, хусусан, тадбиркорлик ривожига, шунингдек, суд-ҳуқуқ соҳасида катта ўзгаришлар амалга оширилди, — дейди Б.Сайфуллаев. — Аввал мавжуд бўлган ҳужжалик судлари ўрнида иқтисодий судлар ташкил этилди ва унинг доираси кенгайтирилди. Яъни мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти ва тадбиркорлик субъектлари сони ортиб боришини ҳисобга олган ҳолда туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари ташкил этилди.

Бу ўзгаришлар Иқтисодий процессуал кодексни қабул қилишни заруриятга айлантди. 2018 йил 25 январь кунги матбуотда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексини тасдиқлаш ҳақида"ги қонун билан янги кодекс тасдиқланди. Кодекс 2018 йил 1 апрелдан қучга киради.

Кодекс 5 бўлим, 37 боб ва 347 моддадан иборат.

Кодекс билан иқтисодий судларда ишларни юриштириш тартиби такомиллаштирилди. Энг эътиборлиси, соҳага оид қонунчилик ва амалиётдаги айрим камчиликлар бартараф этилди. Асосийси, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ишончли ҳимоя қилиш механизмлари такомиллашди. Бу эса тадбиркорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Суд мажлисларини аудио ва видеода қайд этишдан мақсад нима?

Кодексда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан янада кенгроқ фойдаланишга оид норма белгиланди. Эндиликда суд мажлисларини аудио ва видеода қайд этиш янада кенгайтирилади. Бундай замонавий услубнинг кенг жорий этилиши суд мажлислари тўлиқ қонун талаблари асосида ўтишини таъминлайди.

Суд мажлиси ёзилган аудио ёки видеоёзув билан унда қатнашган шахсларни таништириш имконияти берилмоқда.

Юқори судлар томонидан қўйи судларда олиб борилаётган ишлар, суд мажлисларининг қонунга мувофиқлиги юзасидан ўрганишда қўйи судга шикоят қилишга шикоят тушганда қўйи судга қўрилган ишга оид жараёни тўлиқ қайта қўриб чиқиш, хатого айл қўйилган бўлса, бундан ҳеч қандай монеликсиз аниқлаш имконияти юзага келади.

Вилоят иқтисодий суди қўриши керак бўлган ишлар доираси, судловлиқнинг умумий қоидалари билан боғлиқ ўзгаришлар нима сабабдан жорий этилмоқда?

Низоларни ҳал этишда судлар даражасига қараб иш қўриш уларга тушадиган юкломлар меъёрлаштирилди, ишлар ўз вақтида ва сифатли қўриб чиқишига хизмат қилади.

Юқорида қайд этилганидек, ҳозирги кунда туман ва шаҳар иқтисодий судлари ҳам фаолият юритмоқ...

Вилоят даражасидаги иқтисодий судларда иш тажрибаси юқориқоқ бўлган судьялар фаолият юрилади. Шунинг учун ҳам мураккаб тоифадаги ишларни ҳал қилиш механизмларини такомиллаштириш мақсадида айрим низоларни ҳал этиш вилоят даражасидаги иқтисодий судлар судловига ўтказиладиган бўлди.

Низоларнинг тезкор қўриб чиқишини таъминлаш мақсадида судловлиқнинг умумий қоидалари ўзгартирилди. Яъни юридик шахслар ва яқна тартибдаги тадбиркорларга нисбатан даъво аризалари судга уларнинг рўйхатга олинган жойи бўйича берилди.

Маълумки, юридик шахслар рўйхатдан ўтмаган жойида ҳам, жумладан, турли жойларда фаолият юриштириш мумкин. Ҳозирги кунда ишлар юридик шахс жойлашган жойда қўрилади. Айтиб ўтилганидек, улар турли жойларда фаолият юриладиган бўлса, ишни қўришда қатор қийинчиликлар туғилиши мумкин. Бу борада

Янги қонун қабул қилинди

ИҚТИСОДИЙ СУДЛАР ФАОЛИЯТИДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР БЎЛАДИ?

аниқлик киритилгани, яъни корхона ёки ташкилотга оид даъво аризалари улар давлат рўйхатидан ўтган жойда судга тақдим этилиши суд учун шу субъектдан турли ҳужжатларни олиш, суд иши билан боғлиқ бошқа жараёнларни олиб боришда қўлайлик яратади. Шу билан бирга, бу суд ҳужжатини ижро этиш жараёни ҳам бирмунча енгилаштирилади.

Одил судловни амалга оширишга мутахассис жалб этилиши қандай самара беради?

Маълумки, суд иш юритувида турли соҳаларга оид ишлар келиб тушади. Ҳар соҳанинг, хусусан, судда қўриб чиқилаётган ҳар бир ишнинг ўзига хос томонлари бўлади. Уларга аниқлик киритиш мақсадида айрим ҳолларда экспертиза хулосаси талаб қилинади. Бу эса вақт, маблағ талаб этадиган жараёндир. Айрим низоларни ҳал қилишда эса мутахассиснинг маслаҳати (тушунтириши) етарли ҳисобланади.

Шунинг учун бу борада қўлайлик яратиш, суд ишини белгиланган муддатда қўриб чиқишини таъминлаш учун иқтисодий суд иш юритувининг иштирокчилари рўйхатига мутахассис киритиладиган бўлди. Ўз соҳасини яхши билган мутахассисдан ишга алоқадор масалаларда маълумот олишнинг ўзбек масаласи оидинлик киритади. Шунинг учун ҳам бу мутахассис одил судловни амалга оширишга қўмақлашувчи шахс сифатида судга қатнашади.

Апелляция ва кассация инстанцияси судла...

рининг иш юзасидан узил-кесил қарор қабул қилиш тартиби нима учун жорий этилмоқда?

Бунда мазкур инстанцияларнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ва биринчи инстанция судига янгидан қўриш учун юбориш бўйича ваколатлари қайта қўриб чиқилди. Айна шу жараёндаги ортқича овораворчиликларга барҳам бериш мақсадида узил-кесил қарор қабул қилишга оид янги меъёр белгиланди.

Бунинг моҳияти шундан иборатки, эндиликда апелляция ва кассация инстанцияси судлари келиб тушган ишни аввалгидек қўйи судларга қайтармайди. Ишни ўзи қўриб чиқиб, узил-кесил нукта қўяди. Бунда фақатгина битта истисно мавжуд бўлиб, у ҳам агар биринчи инстанция суди ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида ҳал қилув қарорини қабул қилган бўлса, ушбу суд ҳужжати бекор қилиниб, иш янгидан қўриш учун биринчи инстанция судига юборилиши мумкин.

Назорат инстанцияси билан боғлиқ ўзгаришлар ҳақида ҳам тўхталсангиз.

Мазкур инстанцияда иш юриштириш белгилловчи нормалар тўдан қайта қўриб чиқилди. Эндиликда назорат инстанциясида ишлар нафақат Олий суд раисини, Бош прокурор ва уларнинг ўринбосарларининг протести, балки назорат шикоятини асосида ҳам қўриб чиқилади.

Бу суд иш юритуви иштирокчиларининг юқори инстанцияга мурожаат қилиш ҳуқуқини кенгайтириб, одил судловга эришиш даражасини оширади.

Кодексда яна қандай ўзига хос жиҳатлар бор?

Кодексда шартномавий (ихтиёрий) вакилларнинг рўйхати келтирилди. Судда вакил сифатида ишларни юриштириш бўйича профессионал фаолият билан фақат адвокатлар шугулланиши мумкин. Бу жамиятда адвокатларнинг ўрни ва роли ошишига ҳам замин

яратади. Коммунал тўловлар юзасидан қарздорликни ундириш бўйича ҳам ўзгартиришлар киритилди. Бунда коммунал хизматлар учун ҳақ тўлаш бўйича қарздорликни ундириш тўғрисида талаблар билдирилганда суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризага қандай ҳужжатлар илова қилиниши зарурлиги белгиланди. Бу қарздорлик асосида ва нотўғри ҳисобланганининг олдини олади ва, ўз навбатида, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қўмақлашади.

Низоларни тарафларни ўзаро келиштириш асосида ҳал қилишга бағишланган келишув битимига оид янги боб Кодексдан ўрин олди. Низоларнинг самарали ҳал қилинишини таъминлаш, тарафлар ўртасидаги муносабатларни сақлаб қолишга қаратилган бундай меъёр аввал қонунчиликда кенг акс эттирилмаган эди. Эндиликда келишув тушунчаси, уни қандай ҳолларда тузиш мумкинлиги битта бобга камраб олиниб, кенгроқ тушунтириб берилди.

Бир сўз билан айтганда, Иқтисодий процессуал кодекснинг қабул қилиниши мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларини қонун даражасида мустаҳкамлади. Бу, албатта, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари суд орқали ишончли ҳимоя қилинишини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЁШЛАР СИЁСАТИ БМТДА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, Ёшлар форумининг очилиш маросимида БМТ котибияти, бошқа халқаро ташкилотлар, нодавлат-нотижорат ва ёшлар тизимларининг вакиллари иштирок этдилар.

Анжуман қатнашчилари олдида сўзга чиққан БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессияси раиси М.Лайчак баёнот беришича, "бугунги кунда дунёда мисли қўрилмаган даражада кўп - 1,8 миллиард ёш авлод вакиллари истиқомат қилмоқда, улар ҳамон кўпгина тўсиқларга дуч келишмоқда. Уларнинг 70 миллиондан зиёди ишсизлардир. Бироқ муаммо фақатгина иш ўринларининг йўқлиги билан чекланиб қолмаган: ишлайдиган қарийб 40 фоиз ёшлар ўта қашшоқлик шароитида яшашмоқда".

М.Лайчак "инновацион ёндошувларга эга бўлган" ўсиб келаётган авлоднинг иштирокисиз замонавий ҳаф ва хатарларни ҳал этишга файри имкондир, дея баёнот берди. Унинг айтишича, ёшларни замонавий кўникмалар билан қуроллантириш, ташаббусларини рағбатлантириш зарур. Шу ўринда Бош Ассамблея 72-сессияси раиси бу тоифанинг муносиб даражадаги бандлиги масаласи БМТнинг устувор вазифаларидан бири бўлиб қолишини таъкидлади.

Форум доирасида бўлиб ўтган ялпи йиғилиш, давра суҳбатлари ва секция тадбирлари чоғида ташкилотга аъзо давлатлар вакиллари ўз мамлакатларида ёшлар сиёсати соҳасида қўрилаётган чора-тадбирлар юзасидан ўзаро фикр алмашдилар. Тадбир якунлари бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

"Жаҳон" АА, Нью-Йорк

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЛОЙИХАЛАШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Тошкент шаҳар минтақавий филиали ҳудудида банкнинг сервер жиҳозлари жойлаштирилган бино қурилишини лойиҳалаштириш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқувчи, махсус лицензияга эга ташкилотлар ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 5-уй. Телефонлар: (371) 120-45-29, 120-36-16.

Нархлари фоизда қўрсатилган тижорат тақлифлари алоҳида конвертга жойланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган ҳолда, эълон чиққан санадан бошлаб 7 кун муддат ичида қабул қилинади.

Мирзо Улугбек туман ҳокимининг "Мирзо Улугбек туманидаги мавжуд жамоат автобус бекатларини архитектура ва шаҳарсозлик нормалари асосида замонавий ойнаванд қурилишда қуришга рухсат бериш тўғрисида"ги 2018 йил 26 октябрда 19-сонли қарори қабул қилинган бўлиб, Мирзо Улугбек тумани ҳокимлиги замонавий ойнаванд қурилишдаги автотранспорт бекатларини қуриш ва ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истгани билдирган тадбиркорларни туман ҳокимлигига мурожаат қилишларини тақлиф этади.

Юнусобод тумани "Ягона дарча" маркази томонидан 29.11.2016 йилдаги №011487-10 рўйхат рақами билан рўйхатдан ўтган, "DAVR OMAD SAVDO" МЧЖ (ИНН 304450750) тасиссининг 26.01.2018 йилдаги №2 қарорига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Давволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида қуйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади: +99891 140-88-11

"Шайхонтоҳур тумани ер тузиш ва кўчас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Турдиев Мирзобег Шайхонтоҳур тумани, Дархон кўчаси, Ипак берк кўчаси, 3-уй учун берилган ўй плани ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ХАЛҚАРО МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Халқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтириш, миллий маданиятимиз ва санъатимизни тобора раванга топтириш борасида ҳаётга жорий этилаётган эзгу ташаббуслар мазкур соҳада халқаро алоқаларнинг тобора кенгайишида, маданиятлараро мулоқотларнинг йўлга қўйилишида, Ўзбекистон санъатининг жаҳон бадий ва маданий муҳитига фаол интеграциялашувида асосий омили бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 16 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузурида Маданият ва санъатни ривожлантириш жамағатини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори соҳа равангига янги бошқани бошлаб берди. Ушбу тузилма бугунги кунда таълим, маданият ва санъат соҳасини молиялаштириш бўйича ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш каби йўналишларда фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, жамағатнинг дастлабки лойиҳаларидан бири натижасида юртимиз ва Буюк Британия кулоллари ўзаро тажриба алмашиш имконига эга бўлди. Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ўтказилган ҳамкорликдаги иқтисодий семинарлар эса Ўзбекистон кулолчилиги мактаб ва аъёнларининг нақадар бойлиги, бетакдорлигини чет эллик иқтисодчиларга янги қарра намоен этди. Амалий санъат сирларини ўрганиш истегидоги ёшлар учун ташкил этилган маҳорат сабоқлари икки давлат кулолчилигининг тарихи, аъёнлари билан атрофида танишишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айни пайтда мазкур учрашувлар Ўзбекистон ва Британия кулолчилик усталарининг ўзаро фикр ва тажриба алмашишида, иқтисодий мулоқотларнинг тобора мустаҳкамланишида кулай имкониятлар майдонига айланди. Европа Иттифоқи, Британия Кенгаши ҳамкорлигидаги мазкур лойиҳа якуни натижасида Ўзбекистон амалий санъат музейида икки давлат кулолларининг маҳорат дарслари, иқтисодий мулоқотлари, учрашувлари бўлиб ўтди. Якуни пайтлар бадий кулолчилик намуналаридан иборат кўргазма юртимизда ташкил этилади. Бундай кўргазма келгусида Буюк Британияда ҳам ўтказилиши кўзда тутилган.

Мазкур жамағатдан олинган маълумотларга қўра, ҳозирги кунда қўлаб халқаро иқтисодий лойиҳалар, кўргазмалар, мутахассисларнинг ўзаро тажриба алмашишига оид семинарлар, анжуман ва давра суҳбатларида қизгин ҳозирлик қўриломоқда. Жумладан, 2018 йил Париждаги "Бранли соҳилидаги музей" билан ҳамкорликда "Амударё шивирлаши" номли видео-инсталляция кўргазмасини мамлакатимиз ва Францияда, Саодат Исмоиловнинг "Қирқ қиз" қисми метражли фильми тақдимоти АКШ ва Францияда ўтказиш кўзда тутилмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, мазкур жамағат томонидан бугунги кунда мақом санъати, унинг тарихи, ривожланиш тамойилларини ўрганишга оид аудио ва видео-материалларни ўзига жалманган мобил лива ҳамда дастурларни iOS ва Android операцион тизимлари учун яратиш, йнгирманчи асрнинг авваллари, 30-40-йилларига оид мақом қўшиқларининг ёзуви жалманган фотоплавларни рақамлаштириш устида иш олиб бориломоқда.

Маданият вазирлиги тизимидаги таълим масканлари фаолиятини ўрганиш, мутахассисликлар ва факультетлар бўйича энг долзарб йўналишларни аниқлаш, жаҳоннинг етакчи давлатларидаги санъат олий таълим даргоҳлари билан биргаликда Ўзбекистонда қисқа ва узок муддатли ўқув курсларини ташкил этиш, санъат таълими йўналишидаги вакиллари хорижга ўқув малака ошириш курсларига юбориш каби амалий ишлар ўқув жараёнини сифат ва мазмун жиҳатдан юксалтиришга хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Н.УСМОНОВА

2017 йил сентябрь ойида Россия Федерациясининг Татаристон Республикаси Президенти Рустам Миннихоновнинг мамлакатимизга ташрифи чоғида кўплаб соҳалар қатори туризм йўналишидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича ҳам келишувларга эришилган эди.



МАЪНАН ВА ҚАЛБАН ЯҚИН ДИЁР

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан Ўзбекистон ва Татаристон туристик салоҳиятини кенг тарғиб этиш мақсадида журналистларнинг ўзаро таништирув саёҳатларини уюштириш тақлифи билдирилганди. Бунинг самарасида ўтган йил ноябрь ойида татаристонлик бир гуруҳ журналистларининг Ўзбекистон бўйлаб саёҳатлари ташкил этилди.

Жорий йил 25-30 январь кунлари Ўзбекистонлик журналистлар гуруҳи Татаристоннинг тарихий-маданий обидалари ва сайёҳлик масканлари билан танишиб қайтди.

Қардош татар халқининг тили, дини, урф-одат ва аъёнларидаги ўшашиқлар шу қадар қўпки, ҳатто Қозон шаҳрининг минг йиллик тарихидан гувоҳлик берувчи обидалар мисолида ҳам она диёр — Ўзбекистон насимларини қис этасан. Волга ва Қозон дарёлари бўйида қад ростлаган Қозон Кремли, қадимий Булғор шаҳри, Свяжск ороллари — барчаси табиат ва инсон томонидан яратилган мўъжизалардир.

Ўзбек халқиди бўлгани каби татарларда ҳам оила муқаддас ҳисобланади. Аҳдоқлар ва авлодлар силсиласида мустаҳкам алоқалар ўрнатилган. Қозон шаҳри номида ҳам татар халқининг оилага бўлган эътибори акс этган. Зеро, татарларда қозон — рўзгор бутлиги, мустаҳкам оила асоси саналади. Шу боис бугун қўлаб янги оилалар ўз ҳаётини шахарнинг қалб мусофоллигини ўзига акс эттирувчи ўзига хос рамзи — қозон қўрилишидаги "Бахт уйи"дан бошлашади. Мажмуанинг юқори саҳнидан шаҳар ва олисларга чўзил-

Шунинг учун бу ерда йил давомида оёсийштаклик ҳукмрон. Бугун Свяжскда ранг-баранг маданиятлардан ҳикоя қилувчи фестиваллар, Урта асрларда бўлгани каби отлик суворийлар жангига гувоҳ бўлишингиз ёки табиат инъом этган гўзалликдан баҳраманд бўлишингиз мумкин.

Қозондан 180 километр масофада, Волга дарёсининг чап қирғоғида минг йиллар муқаддам мавжуд бўлган Булғор давлати пойтахтининг қолдиқлари сақланиб қолган. Татар халқининг аҳдоқлари ҳисобланган булғорлар 922 йил ислом динини қабул қилади. Шу тариқа Татаристонга ислом маърифати айни шу замин орқали кенг тарқалади.

Булғор шаҳрида ислом дини қабул қилинган шарафига улкан Оқ масжид бунёд этилган ва дунёдаги энг катта чоп этилган Қуръон сақланмоқда.

Қуръон қарим ҳақида сўз борганда Тошкентнинг Ҳазрат Имом бўлмоқсидоги Мўйи Муборак мадрасасида сақланаётган Усмон Мусҳафиди ёдга олиш ўринли. Зеро, қачонлардир Амир Темур томонидан юртимизга олиб келинган номид қўлэма 1917-1924 йиллар давомида, Ватанимизга қайтарилгунга қадар Татаристонда сақланган.

Маҳаллий аҳоли билан суҳбатда уларнинг Ўзбекистонга қизиқиши, меҳри ва маънан яқинлигини ҳис этасиз. Улардан бири Ўзбекистонни, хусусан, Самарқандни қўриш, машхур муқаддас Имом Бухорий макбарасини зиёрат қилиш иштиёқида эканини айтганда, ўзгача фахр-ифтихор туйдиқ. Сафаримиз давомида мезбонлардан Ўзбекистон ҳақидаги қўлаб илиқ фикр ва таассуротларни эшитдик. Уларнинг "Ўзбекистон — нафақат танинг, балки қалбинг ҳам ором оладиган жой", деган эътирофи сафаримизнинг унутилмас воқеаси бўлди.

Ўзбекистон — нафақат танинг, балки қалбинг ҳам ором оладиган жой", деган эътирофи сафаримизнинг унутилмас воқеаси бўлди.

Улугбек ШОНАЗАРОВ, ЎЗА махсус муҳбири Тошкент — Қозон — Тошкент

Спорт янгилклари



БОКСЧИЛАРИМИЗ БИРИНЧИ

Хиндистон пойтахти Деҳли шаҳрида бўлиб ўтган "India Open" халқаро турнирида бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 5 олтин, 2 кумуш медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида боксчиларимизни кенг спорт жамоатчилиги вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, спорт мухлислари тантанали кутиб олди.

Мамлакатимизда ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказишнинг муҳим воситаси сифатида жисмоний тарбия ва спортни ривожланган мамлакат сифатида танилди. Хусусан, ўзбек бокс мактаби тарбияланувчилари спорт оламининг барча нуфузли мусобақалари – Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида юқори натижаларга эришмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 9 мартдаги Ўзбекистон спортчиларини 2020 йил Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёрлашга оид қарори спортчиларимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузли мусобақаларга ҳар томонлама пухта тайёрланиши ва муносиб иштирок этиши, терма жамоаларни янги истеъдодлар

билан бойитишда муҳим омил бўлаётди.

Халқаро ҳаваскор боксчилар ассоциацияси – AIBA томонидан ташкил этилган "India Open" халқаро турнирида йигирма уч давлатдан юздан зиёд чарм қўлқоп устаси совринли ўринлар учун баҳслашди.

Мусобақанинг финал жанглирида Бобоусмон Ботиров, Баҳодир Жалолов ва Худойназар Файзов ҳиндистонлик Динеш Кумар, Сатиш Кумар ва Анвар Шайх Салмонни, Исроил Мадримов кубалик Осей Иглесиас Эстрада, Абдулхай Шорахматов мағулистонлик Энх Амар Харкунни мағлубиятга учратиб, олтин медални қўлга киритди.

Санжар Турсунов ва Иқбол Холдоров иккинчи ўринни эгаллади.

Мусобақада галаба қозониб, юртимизга ёруғ юз билан қайтганимиздан хурсандмиз, – дейди ЎЗА мухбирига Исроил Мадримов. – Турнирда ҳар бир жанг шиддатли ўтди. Келгуси мусобақаларда ҳам мамлакатимиз шарафини бундан-да юксалтиришга ҳаракат қиламиз.

Ж.ТОШХҲАЕВ

ИСЛОҲОТЛАР САМАРА БЕРАДИ

Хитойда 23 ёшгача бўлган чарм тўп усталари ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган Ўзбекистон олимпия терма жамоаси Осиё чемпионлигини қўлга киритганини мамлакатимиздаги барча мухлисларни, ватандошларни хурсанд қилди.

Яқинда Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси президенти ҳамда Ўзбекистон футбол ассоциацияси вице-президенти Умид Аҳмадҷонов футболимиз ривожини йўлида мутасаддилар барча ишни амалга оширишлари, Ўзбекистон миллий терма жамоасини кейинги жаҳон чемпи-

онати финалига чиқиш йўлида зарур ишларни бажаришга, 2020 йилда Токиода уюштирилаётган ёзги Олимпиада ўйинларида ҳам футбол бўйича Олимпия терма жамоамизнинг иштирок этишини таъминлашга ваъда берди. Умидимиз, футболимиз мутасаддилари то-

монидан амалга оширилаётган ислохотлар самара берсин ва миллий терма жамоамиз келгуси жаҳон чемпионати финалида, олимпия терма жамоамиз ёзги Олимпиада ўйинларида футболимиз нималарга қодир эканлигини жаҳон аҳлига намойиш қилишин.

МУХЛИСЛАР УЧУН ТУҲФА

Жорий йилги футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси турниридан ўрин эгаллаган Эроннинг "Истиклол" ҳамда Саудия Арабистонининг "Ал-Хилол" жамоалари ўртасидаги баҳс 20 февраль кунин Тошкент шаҳрида ўтказилиши мумкин.

Гап шундаки, Саудия Арабистонининг "Ал-Хилол" клуби раҳбарияти Эроннинг "Истиклол" жамоасига қарши ўтказиладиган баҳсини нейтрал шаҳарда уюштирилишини сўраб, ОФК, Эрон футбол федерациясига сўров хати юборган эди. Қўтилмаганда Эроннинг "Истиклол" клуби рақиб жамоанинг илтимосига қаршилик билдирмади ва мазкур беллашувни Тошкентда уюштирилиши-

ни сўраб, Ўзбекистон футбол ассоциациясига хат жўнатди. Ҳозир Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳамда "Истиклол" клуби ўртасида музокара бўлиб ўтмоқда. Агар бу борада ўзаро келишувга эришилса, ўзбекистонлик мухлислар "Истиклол" – "Ал-Хилол" баҳсини бевосита стадионда томоша қилиш имкониятига эга бўлишади.

Ақбар ЙҮЛДОШЕВ

Тошкент шаҳридаги тергов ҳибсхонасининг янги бинога кўчирилгани ҳамда жазони ижро этиш муассасаларида маҳбусларнинг яқинлари билан учрашишлари ажратиладиган хоналар учун тўланадиган ҳақ миқдори оширилгани ҳақида хабарлар тарқалди.

ЎЗА мухбири юрдошларимизга бу борада аниқ маълумот тақдим этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси бошлиғи – ички ишлар вазирининг матбуот котиби Қутбиддин БУРХОҲОНОВга мурожаат қилди.

Пойтахтимизда жойлашган 1-сонли тергов ҳибсхонасини халқимиз "Тоштурма" деб атаб келган. Бу муассаса 1891 йилда қар Россияси амалдорлари буйруғига биноан тошдан барпо этилгани учун ҳам ана шундай ном олган.

Қаҳарон Қодирий каби ардоқли фарзандлари ҳам туғинда бўлган.

Узаро ер ости ва ер усти йўллари билан бир-бирига боғланган тўрт корпус мажмуи бўлса-да, бинонинг умумий аҳоли бугунги кун талабларига, халқаро стандартларга жавоб бермади.

Шу боис 2012 йил 18 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент шаҳридаги УЯ 64\1-тергов ҳибсхонаси учун янги бино қуришга оид қарори имзоланди.

Шу асосда Тошкент вилоятининг Зангиота тумани ҳудудида халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган тергов ҳибсхонаси қурилди.

Ҳозирги кунда "Тоштурма"да сақланаётган маҳкум ва маҳбусларнинг барчаси янги бинога кўчирилди.

Янги тергов ҳибсхонаси қандай қулайликлар эга? – Бинони лойиҳалаштиришда иқлим шароити, санитария ва хавфсизлик талаблари, жазони ижро этишга оид барча жиҳатлар ҳисобга олинган. Бинони қуриш ва жиҳозлашда замонавий технология ва материаллардан фойдаланилди.

Ошқона, кутубхона, ювенил хонаси ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш хоналари ҳар томонлама қулай. Махсус контингентга зарур бўлган тиббий ёрдам кўрсатиш ва уни ташкиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Озиқ-овқат ва дори-дармонларни сақлаш учун замонавий музлаткичлар ўрнатилган.

Халқаро ва замон талабларига жавоб берувчи, қурилиши ва жиҳозланиши жиҳатидан МДХ давлатлари ичида ягона ҳисобланган ўшбу ҳибсхона саккиз қирралли юлдуз шаклида қурилгани камараларга ҳар томонлама ёруғлик тушишини таъминлайди.

Маҳкум ва маҳбусларнинг яқин қариндошлари, адвокатлари билан учрашув хоналари мавжуд. Бу хоналар барча талабларга жавоб беради.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида қўйилган вазифалар ижроси доирасида барча жазони ижро этиш муассасалари, жумладан, янги тергов ҳибсхонаси видеокузатув мосламалари билан жиҳозланди. Бу маҳкумларнинг ҳуқуқларини ҳимоялашда муҳим ўрин тутувчи восита бўлиб, уларга қўпол муомалада бўлиш, зўровонлик қилиш каби иллатларга йўл қўйилмайди.

Хориж амалиётига назар ташласак, аксарият ривожланган давлатларда маҳкумларни сақлаш, озиқ-овқат таъминоти

ти масаласи жазо муддатини ўтаётган шахснинг ҳисобидан қопланади. Юртимизда эса маҳкумларни сақлаш харажатлари давлат бюджетидан қопланади.

Мазкур амалиёт Ўзбекистонда инсон ҳуқуқи олий кадрлар сифатида эътироф этилгани, жазо муддатини ўтаётган шахсга нисбатан унинг ижтимоий келиб чиқиши, қайси давлат фуқароси экани, мавқеи, ирки, динидан қатъий назар, авваламбор, инсон сифатида муносабатда бўлинаётганидан дарах беради.

Шунинг учун ҳам жазо муддатини ўтаётган шахслар учун яратилган шароитлар, уларни жамиятга ҳар жиҳатдан соғлом инсон қилиб қайтариш борасида ўтказиладиган турли тарбиявий тадбирлар чет эллик кузатувчилар ва халқаро ташкилотлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

– Жазони ижро этиш муассасаларида узоқ муддатли учрашувларга хоналар тақдим этилиши учун янги тарифлар белгиланди. Бу аввалгисидан қандай фарқ қилади? – Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 11 августдаги "Ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлган жазоларни ижро этиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги

Қарориде жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларга, улар билан қўришиш учун келган яқинларига зарур шарт-шароит яратишга эътибор қаратилган.

Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида жазони ижро этиш муассасаларида узоқ муддатли учрашувларга хоналар тақдим этилиши учун янги тарифлар Молия ва Ички ишлар вазирликлари томонидан 2017 йил 29 декабрда тасдиқланди. Мазкур қарор 2018 йил 17 январда Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилди.

Қарор иловасида 2 кишилик хонага суткалик тўлов энг кам иш ҳақининг 5 фоизи, яъни 8 минг 612 сўм, 3 кишилик хонага суткалик тўлов энг кам иш ҳақининг 10 фоизи миқдориде, яъни 17 минг 224 сўм, 4 кишилик хонага суткалик тўлов энг кам иш ҳақининг 15 фоизи миқдориде, яъни 25 минг 836 сўм этиб белгиланди.

Айрим оммавий ахборот воситаларида мазкур тарифлар оширилган, деб талқин қилинди. Шу боис жазони ижро этиш муассасаларидаги узоқ муддатли учрашувларга хоналар тақдим этилиши учун аввал белгиланган нархларга эътибор қаратилса яқин бўларди. Демак, аввал 2 кишилик хонага суткалик тўлов – 15 минг 895 сўм, 3 кишилик хонага – 30 минг 100 сўм, 4 кишилик хонага – 45 минг 166 сўмни ташкил этган.

Рақамларни таққослаш асосида янги тарифлар билан бу борадаги нархлар анча арзонлаштирилганини кўриш мумкин.

Яна бир қулайлик. Тариф асосида тўловлар маҳкумлардан, 16 ёшгача бўлган болалардан (агар болалар катта ёшли кишилар билан келмаган бўлса), 1 гуруҳ ногиронлиғи бўлган шахслардан, кам таъминланган оилалардан бўлган шахслардан (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи маълумотномаси асосида) ундирилибди.

Бу маблаглар хоналарни сақлаш учун сарфланадиган харажатлар, уларни жорий ва капитал таъмирлаш, хўжалик инвентарларини сотиб олиш учун сарфланади.

Айни пайтда маҳкумларга масофафи видеоучрашув ташкил этиш имкониятини назарда тутган ҳолда ҳимояланган алоқа канали бўйича видеоконференция тизимини босқичма-босқич жорий этиш юзасидан иш олиб борилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида, жумладан, жазони ижро этиш муассасаларида олиб борилётган ислохотлар халқимизнинг кеңиримлилик, баркиркенлик, инсонпарварлик тамойилларига асосланган. Мазкур тамойиллар жазони ижро этиш тизимининг муҳим йўналиши бўлиши билан бирга бу жараён замон талабларига мувофиқ такомиллаштириб борилади.

Норгул АБДУРАИМОВА сўхбатлашди

ТЕРГОВ ҲИБСХОНАСИ ЯНГИ БИНОГА КЎЧИРИЛДИ

ти масаласи жазо муддатини ўтаётган шахснинг ҳисобидан қопланади. Юртимизда эса маҳкумларни сақлаш харажатлари давлат бюджетидан қопланади.

Мазкур амалиёт Ўзбекистонда инсон ҳуқуқи олий кадрлар сифатида эътироф этилгани, жазо муддатини ўтаётган шахсга нисбатан унинг ижтимоий келиб чиқиши, қайси давлат фуқароси экани, мавқеи, ирки, динидан қатъий назар, авваламбор, инсон сифатида муносабатда бўлинаётганидан дарах беради.

Шунинг учун ҳам жазо муддатини ўтаётган шахслар учун яратилган шароитлар, уларни жамиятга ҳар жиҳатдан соғлом инсон қилиб қайтариш борасида ўтказиладиган турли тарбиявий тадбирлар чет эллик кузатувчилар ва халқаро ташкилотлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

– Жазони ижро этиш муассасаларида узоқ муддатли учрашувларга хоналар тақдим этилиши учун янги тарифлар белгиланди. Бу аввалгисидан қандай фарқ қилади? – Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 11 августдаги "Ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлган жазоларни ижро этиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги

МЎМАЙ ДАРОМАД ИЛИНЖИДА...

Юрдошларимиз саломатлигини пулга алишмоқчи бўлганлар фойда этилиди

Аҳолининг саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш жамият ҳаётининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади, чунки соғлиқ инсон учун ҳаёт каби энг олий ва ажралмас неъматдир.

Юртимизда қабул қилинаётган қарорлар бу борада муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Саломатлиқни муҳофаза қилиш тизими ҳар бир инсонни жисмоний ва руҳий саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга йўналтирилган.

Аммо сифати кафолатланмаган, инсон руҳиятига кучли таъсир кўрсатувчи, шифокор рецетисиз берилмайдиган дори-дармон воситаларини ноқонуний равишда сотаётган айрим кимсаларни юрдошларимизнинг саломатлигидан кўра, мўмай даромад кўпроқ қизиқтиради.

Яқинда Тошкент шаҳар Божхона бошқармасининг Контрабандага қарши курашиш бўлими ходимлари Миллий хавфсизлик хизмати ҳамда Давлат солиқ инспекцияси ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирлар давомида муқаддам айланма йўллар орқали олиб қирилган инсон нерв-асаб тизимига кучли таъсир қилувчи "Трамадол" ва "Лирика" дори воситаларининг олди-сотдиси билан шугулланувчи шахсларнинг фаолиятига чек қўйилди.

Чилонзор туманидаги автотураргоҳларнинг бирида фуқаро Д.Аҳмедов (мақоладаги барча исми-шарифлар ўзгартрилган) 300 та конвалютадаги, жами 3000 дона "Трамадол" дори воситаларини 5 млн. 700 минг сўм эвазига ноқонуний равишда сотаётган вақтда қўлга олинди.

Шунингдек, Учтепа туманида олиб қорилган тезкор тадбир давомида фуқаро Ж.Низов 288 дона "Лирика" дори воситаларини 4 млн. сўмга сотаётган вақтда қўлга олиниб, қингир ишига чек қўйилди.

Ушбу ҳолатлар бўйича ҳуқуқбузарларга нисбатан ҳолилар иштирокида тегишли процессуал ҳужжатлар расмийлаштирилиб, тадбир давомида аниқланган "Трамадол" ва "Лирика" дори воситалари ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан текширув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси Ахборот хизмати

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

2018 йил 7 март кунин соат 9.30 да бўлиб ўтадиган оқиқ аукцион савдосига АТИБ "Ипотека банк" Тошкент вилояти филиали ҳисобидеги бошланғич баҳоси 29 720 000 сўм бўлган 2012 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/990GCA, "Nexia DОНС" русумли автомашини қўйилмоқда.

2018 йил 7 март кунин соат 10.00 да бўлиб ўтадиган оқиқ аукцион савдосига АТИБ "Халқ банк" Бош амалиётлар бошқармаси ҳисобидеги бошланғич баҳоси 54 052 000 сўм бўлган 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/369CFA, "Lacetti" русумли, бошланғич баҳоси 64 481 000 сўм бўлган 2012 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/767BEA, "Lacetti" русумли, бошланғич баҳоси 25 595 000 сўм бўлган 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/750WAA, "Nexia GLE" русумли автомашиналар чиқарилган. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан сўнг муқдор бошланғич баҳосининг 15 (ун беш) фоиз миқориде закалат пулини тўлашлари керак. Аукцион солиби томонидан мулкни сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига АТИБ "Ипотека банк" Тошкент вилоят филиали ҳисобидеги автомашиналар учун сотув нархининг 3 фоиз, АТ "Халқ банк" Бош амалиётлар бошқармаси ҳисобидеги автомашиналар учун сотув нархининг 5 фоиз миқориде комиссия йўғим тўланади. Савдолар "Савдо ташкилотчисига"нинг савдолар залида бўлиб ўтади. Мазкур мулклар сотилмай қолган тақдирда тақририй аукцион савдолари ҳар ҳафтанинг чоршанба кунлари юқориде кўрсатиб ўтилган соатларда ўтказилади. Аукцион солиблари савдо ўтган кундан бошлаб 10 (ун) банк кун ичида "Сотувчи" билан олди-сотди шартномасини тузади. Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдоси бошлангичдан бир кун олдин соат 9.30 да ҳамда 10.00 да тўхтаилади. Закалат пули тўловлари "AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг АТБ "InfinBANK" бандадеги МФО: 01041, ИНН: 302477464, 20208000505015685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан бирга қўйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: жисмоний (юридик) шахсини тасдиқловчи ҳуқуқий ҳужжатлари ва закалат пули тўлаганилиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашганда – ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Ҳар бир мулкга нисбатан қўшимча хизматлар кўрсатиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 минимал миқориде тўлов олинади. Манзил: Тошкент шаҳри, О.Холимов кўчаси, 13А-уй. Тел: (0595) 193-74-96, e-mail: info@auksion.uz.

Ақбар ЙҮЛДОШЕВ

Гувоҳнома № 005148

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ. Тошкент шаҳрида 6 февраль кунин ҳаво ўзгариш турари, ёғингарчилик бўлмади. Кечаси ва эрталаб туман тушиш мумкин. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эса...